# Сайлов қонунлари амалда




Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар ўтказилишига ҳам саноқли кунлар қолди. Демократия ва тенгликка асосланган бу сайловларни ўтказиш учун олиб борилаётган тайёргарлик ишлари айни кунларда қизғин паллага кирди.

**Суратда: (чапдан ўнгга) 224-Касби округ сайлов комиссияси аъзолари Абдураҳмон Янгибоев, Наби Бобоев, Солия Аҳмедова ва Янгибой Турдиқуловлар галдаги вазифалар хусусида суҳбатлашмоқда.**

**З.РАҲМАТУЛЛАЕВ олган сурат.**

## БИЗДАН СЎРАБСИЗ

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

**Савол:** Маълумки, сайловга тайёргарлик кўрилаётганда ҳамда у уюшқоқлик билан ўтказилаётганда кузатувчилар ҳам иштирок этадилар. Шу ўринда улар қандай ҳуқуқларга эга бўлади?

**Ж.ОХУНОВ,**
**Тошкент вилояти.**

**Жавоб:** Олтинчи моддада таъкидланганидек, округ сайлов комиссияси манфаатдор ташкилотдан, сайловчилар ташаббускор гуруҳидан ариза олинганидан кейин беш кун ичида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси белгилайдиган намунадаги мандатни кузатувчи учун беради.

Кузатувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- депутатликка номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда, округ ва участка сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш;
- сайлов участкасида ҳозир бўлиш ҳамда тайёргарлик ишларининг боришини, овоз бериш учун сайлов қутиларининг жойлаштирилиши ва муҳрланишини, фуқароларга сайлов бюллетенларининг берилишини кузатиш;
- овозларни санаб чиқишда ва участка сайлов комиссиясининг баёнларини тузишда ҳозир бўлиш;
- сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган нусхаларини сўраш ва уларни олиш;
- башарти, сайлов участкасида ушбу Қонуннинг бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асос бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида юқори комиссияга маълум қилиш.

Кузатувчиларга қуйидагилар ман этилади:

- сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда овоз бериш кабинасида бўлиш;
- сайловчиларга таъсир ўтказиш, бирон-бир ташвиқот материали ёки адабиёти тарқатиш;
- сайловчилардан улар кимни ёқлаб овоз берганликларини суриштириш ёки сайловчиларга бюллетенга белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш;
- участка сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан, сайлов қутиларини муҳрлашда, уларни очишда, овозларни санаб чиқишда аралашиш.

**Савол:** Сайлов комиссияларига кимлар аъзо бўлиши мумкин ва уларни ваколатларидан маҳрум этиш ҳоллари қандай тартибда амалга оширилади?

**В.НОСИРОВ,**
**Навоий шаҳри.**

**Жавоб:** Округ сайлов комиссияларининг аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари тавсиясига биноан тасдиқланади. Участка сайлов комиссияларининг аъзолари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тавсиясига биноан тасдиқланади.

Комиссиянинг аъзоси шахсан берган аризасига мувофиқ, шунингдек, ваколатларидан маҳрум этилган тақдирда ўз вазифасини бажаришдан озод қилиниши мумкин.

Комиссия аъзосини ваколатларидан маҳрум этиш ҳуқуқи комиссияни тузган органга тегишли бўлиб, комиссия аъзоси ушбу Қонун талабларини бузгани ёки ўз вазифаларини мунтазам равишда эътиборсиз қолдириб келгани тақдирда ўз ваколатларидан маҳрум этилади.

Зарурат бўлганда сайлов комиссиясининг янги аъзоси, 16-моддада кўрсатилганидек, ушбу Қонунда белгиланган тартибда тайинланади.

Сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиби ва бошқа аъзолари сиёсий партиянинг аъзоси бўлишлари мумкин эмас. Олий Мажлис депутатлигига номзодлар сайлов комиссиясига аъзо бўлишлари мумкин эмас.

Бир шахс фақат битта сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкин.

**Савол:** Сайловолди ташвиқоти қачон бошланади?

**А. МЎМИНОВ,**
**Сирдарё вилояти.**

**Жавоб:** Сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади.

Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади. Депутатликка номзодларга ўз сайловчилари билан ҳам йиғилишларда, ҳам сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқ берилади. Сайловчиларнинг йиғилишлари участка сайлов комиссияси томонидан туман, шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда ташкил этилади. Сайлов комиссиялари, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимликлари Олий Мажлис депутатлигига номзодларга йиғилишлар ўтказиш учун жиҳозланган бинолар ажратадилар. Йиғилишлар ва учрашувлар ўтказиладиган вақт ва жой сайловчиларга барвақт хабар қилинади.

Давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари депутатликка номзодларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этишда, зарур маълумот ва ахборот материаллари олишда ёрдам кўрсатишлари шарт.

Сиёсий партияларга ўзининг келгуси фаолият дастури билан чиқиш ҳуқуқи берилади. Партиялар ва депутатликка номзодларнинг дастурлари республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши қаратилган бўлмаслиги, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилмаслиги, унда уруш, миллий адоват, ирқий ва диний хусумат тарғиботи, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини камситувчи хатти-ҳаракатларга даъват бўлмаслиги керак.

Ташвиқотнинг сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматлари бундан мустасно), шунингдек пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб борилиши таъқиқланади.

25-моддага биноан сайлов куни ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди.

**Савол:** Сайловчилар қандай пайтда такрорий овоз беришлари мумкин?

**С.ҲАБИБУЛЛАЕВ,**
**Сариосиё тумани.**

**Жавоб:** Башарти, сайлов округи бўйича Олий Мажлис депутатлигига икки нафардан ортиқ номзод қўйилган бўлса-ю, улардан бирортаси ҳам сайланмаса, округ сайлов комиссияси энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича округда такрорий овоз беришни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилади ва бу ҳақда Марказий сайлов комиссияси ҳамда округ сайловчиларини хабардор қилади. Такрорий овоз бериш, 43-моддада кўрсатилганидек, ушбу Қонуннинг талабларига риоя этган ҳолда икки ҳафта ичида ўтказилади.

Такрорий овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган Олий Мажлис депутатлигига номзод, башарти уни ёқлаб берилган овозлар сони унга қарши берилган овозлар сонидан кўп бўлган бўлса, сайланган деб ҳисобланади.

## ФИКРЛАР АЛМАШУВИ

***Термизда мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш республика Маркази раиси А.Саидов билан ташаббускор гуруҳлар томонидан кўрсатилган мустақил номзодлар учрашуви бўлиб ўтди.***

*Унда сайловга тайёргарлик ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш, сайлов демократияси, аҳлоқ-одоби, маданияти ва маънавияти, сайловолди тарғибот-ташвиқот ишлари, оммавий ахборот воситаларида номзодларга тенг шароит яратиш каби масалалар юзасидан фикр-мулоҳаза алмашилди.*

*Шуни айтиш керакки, Сурхондарё вилояти бўйича 42 та ташаббускор гуруҳ тузилиб, улар республика Олий Мажлисига ўз номзодларини кўрсатган. Демак, сайловда бир округдан бир неча муқобил номзод ўзаро кураш олиб боради. Сайлов тизимимизда демократик тамойилларга асосланган бу янгилик энг муносиб номзодлар учун овоз бериш имконини яратади.*

## ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

**Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг «Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси» экспертлар гуруҳи 22 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ташриф буюрди.**

Меҳмонлар парламентнинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидова билан учрашиб, Омбудсман идорасининг фаолияти билан танишди.

Меҳмонлар Ўзбекистон Конституциявий суди раиси Б.Эшонов билан ҳам учрашди. Раис мамлакатимиз асосий қонунининг қоидалари ва ўзи раҳбарлик қилаётган ташкилотнинг Конституция тамойилларини мустаҳкамлаш борасида амалга ошираётган ишлари ҳақида сўзлади. Учрашувда мамлакатимизда парламент ва президент сайловларини ўтказиш ва бунда Конституциявий суднинг ўрни хусусида фикрлашилди.

Шу куни ЕХҲТ вакиллари Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Халқ демократик партияси, «Адолат», «Ватан тараққиёти», «Миллий тикланиш» ҳамда «Фидокорлар» партиялари раҳбарлари билан учрашувлар ўтказди.

Ўзаро суҳбатлар давомида партиялар томонидан илгари сурилаётган дастурлар Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик жамият қуриш, мамлакат равнақи ҳамда халқ фаравонлиги учун қаратилгани, бўлажак сайловларда ҳар бир партия фаол иштирок этиши ва халқаро кузатувчиларнинг партияларимиз фаолияти билан танишаётганини бу жараёнга ижобий таъсир кўрсатиши таъкидланди.



**Нью-Йорк**

## OLAMDA NIMA GAP

**С И Д Н Е Й. Австралияда хавфли кимёвий модда олиб кетаётган поезд ҳалокатга учради. Бу ҳалокат Пиктон ва Кемпбелтаун станцияларини боғловчи йўлда содир бўлди. Дастлабки хабарларга қараганда, рельсдан чиқиб кетган олтита вагондан катта микдорда кимёвий модда тўкилмаган бўлса-да, айни пайтда ернинг маълум бир қисми кукун билан қопланган.**

**Қутқарув хизмати ходимлари ҳалокат содир бўлган ҳудудларни ўраб олиб, у ерда яшовчи аҳолини хавфсиз жойларга кўчирмокда.**

* * *

**Б Е Р Л И Н**. *Германия канцлери Герҳард Шрёдер Туркиянинг Европа Иттифоқига киришини маъкулламокда. У Берлинда Финляндия Президенти Мартти Ахтисаари билан музокара ўтказганидан сўнг, журналистларга берган интервьюсида, Туркияга Европа Иттифоқига қўшилувчи расмий номзод мақоми берилиши кераклигини таъкидлади.*

*Герҳард Шрёдернинг фикрига қараганда, Туркия Европа Иттифоқининг шу йил декабрда Хельсинкида ўтказиладиган саммитида номзодлар рўйхатига киритилиши мумкин.*

* * *

**Н А Й Р О Б И. Бурундида хуту элати исёнчиларининг мамлакат пойтахтига қилган ҳужуми оқибатида ўн беш киши ҳалок бўлди. Маълумотларга қараганда, шаҳарнинг жануби ва шимолида исёнчилар билан ҳукумат қўшинлари ўртасида отишмалар содир бўлган. Шу билан сўнгги икки ой ичида исёнчилар учинчи бор пойтахт ҳудудига ҳужум уюштираётир.**

**Бурундида 1993 йилдан буён этник гуруҳлар ўртасида тўқнашувлар юз бермокда. Ҳозиргача ушбу тўқнашувлар натижасида икки юз минг киши ҳалок бўлган.**

**(ЎзА)**

## ЛАҲДАР БРАҲИМИ АФСУСДА...

Афғонистоннинг ички ишларига ташқаридан аралашув бўлмаса, бу мамлакатдаги уруш бунча узоқ вақт давом этмасди. Шу маънода, афғон заминидаги хунрезликлар учун Эрон ва Покистон масъулдир, деб баёнот берди БМТ Бош котибининг Афғонистондаги махсус вакили Лаҳдар Браҳими. У, шунингдек, уруш тугамаётганига бош сабабчи «Толибон» ҳаракати эканлигини айтди. Чунки, толиблар афғон муаммосини ечиш бўйича «Олти плюс икки» гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган режани инкор этди. Бу эса «Толибон» ҳаракатининг Бирлашган фронт билан асло муросага келиш нияти йўқлигидан дарак беради.

Албатта, Афғонистондаги вазият кескинлигича қолаётган экан, бунда фақат толибларни айблаш ҳам тўғри бўлмайди. Қарс бир қўлдан чиқмаслиги тайин. Ўзаро урушаётган икки томон ҳам ташқаридан қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника олиб турибди. Лаҳдар Браҳими бу борада, айниқса, Эрон ва Покистоннинг ҳудуди муҳим восита бўлаётганини таъкидлади.

«Бу икки давлат ўзаро келишган ҳолда,- деди Л.Браҳими,- Афғонистондаги ихтилофчи гуруҳларни муаммони тинч йўл билан ечишга ундаши лозим».

БМТ Бош котибининг махсус вакили ўз фаолияти давомида афғон муаммоси ечилмагани боис, энди лавозимини тарк этмоқчи. Куни кеча у ўз қарорини ташкилотнинг Хавфсизлик кенгашига баён этди. Л.Браҳими икки йиллик фаолияти давомида Афғонистонда тинчликни қарор топтириш борасидаги ишлари кутилган натижани бермаганидан афсусда.

## МИНТАҚАДАГИ ЭНГ ЯХШИ БАНК

Халқаро молия ҳамжамиятининг нуфузли журнали «Euromoneu» /»Европул»/нинг баҳолашича, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки 1999 йилда Марказий Осиёдаги энг яхши банк деб эътироф этилган. Унга «Европул: Энг яхшиларга мукофот» кубоги ва тегишли сертификат берилган. Бу ҳақдаги хабар журналнинг Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармасининг йиллик йиғилишига бағишланган махсус сонида босилди.

Халқаро кредит линияларини ўзлаштириш, иқтисодиётнинг реал соҳаларида инвестиция дастурларини амалга оширишда фаол иштирок этиш, банк хизматининг юксак сифатини сақлаб қолган ҳолда мамлакатимизда филиаллар ва мижозларни кўпайтириш ҳисобидан кичик ва ўрта хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, мижозлар эҳтиёжларини ҳисобга олиш, аҳолининг омонатлари ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича операцияларни кенгайтириш бу йил банк стратегиясининг асосий вазифаларига айланди.

### *«Ишонч» бонг уради*

## ҲАЁТИНГИЗНИ ХАВФ ОСТИГА ҚЎЙМАНГ!

**«Барча корхоналарда хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитлари яратилган бўлиши керак. Бундай шароитларни яратиб бериш иш берувчининг мажбуриятига киради...»**

**Ўзбекистон республикасининг Меҳнат Кодексидаги 211-моддасида айтилган бу қоидаларга ҳамма жойда ҳам риоя этилаяптими?**

**Биз яқинда Нишон туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалигининг машина-трактор паркида бўлганимизда юқоридаги саволга жавоб изладик.**

Хўжаликда яқинда иш бошлаган раҳбар Марқа Алимардонов бош муҳандис вазифасида ишлаб келганлиги учун ҳам техника хавфсизлиги қоидалари талабларини бевосита бажарувчиси бўлган.Хўжалик бош муҳандислигига тайинланган Содиқ Назаров, техника хавфсизлиги муҳандиси Ботирали Эрматовлар ҳамроҳлигида бу соҳада олиб борилаётган ишлар билан танишдик. Бостирмада МТЗ-80 маркали чопиқ трактори ғилдиракларини созлаб турган тракторчилар диққатимизни тортди. Уларга яқинлашамиз. Саломаликдан сўнг бир неча савол билан мурожаат қилдик:

—Кечирасиз, Сизнинг бу ҳолатдаги ишингиз техника хавфсизлиги қоидаларига тўғри келадими?

—Энди имкон қадар ишлаб турибмиз,-жавоб берди тракторчи Нурмахмат Қудратов. Чап ғилдираги олиниб, омонатгина кўтариб қўйилган трактор эҳтиёт қисмини алмаштирар экан.

—Бу ҳолат инсон ҳаёти учун жуда хавфли-ку? Бунинг устига ёрдамчи тиргаклар қўйилмаган?!

—Мана баллон остига тиргак қўйганмиз,-деди бир бўлак ғиштни кўрсатиб тракторчи.

—Очиғи, бундай ҳолатлар хўжаликда ҳар кунги одатий ҳолга айланганлиги шундоққина кўриниб турибди. Бўлмаса, Муродилло Нурматовга тегишли бўлган МТЗ-80 маркали трактор баллонлари олиниб, махсус кўтаргич ўрнига омонатгина қилиб тўғри келган тиргак қўйиларми-ди? Шунингдек, Муртазо Эшқобиловга тегишли бўлган ХНП-1,8 маркали пахта териш машинасининг орқа баллони олиниб, ҳаёт учун хавфли қилиб қўйилганлигини қандай тушуниш мумкин?

Хўжаликдаги техника хизмат кўрсатиш соҳаси мутахассислари билан учрашганда ҳам техника хавфсизлигига оид биронта кўргазмали воситани учратмадик. Токарлик цехи ишчиси Абдужалил Расуловдан биринчи ёрдам учун ажратилган қутича (аптечка)ни сўраганимизда ичида турли темир-терсаклардан бошқа нарсани топа олмадик. Дори-дармон ўрнига темирлар билан тўла қутича кимга ҳам керак?

Камер ямаш цехидаги воқеа кишини ажаблантиради. Цех бошлиғи Қўзибой Муродовга вояга етмаган болаларнинг ўралишиб юрганлиги кечириб бўлмас ҳолдир. Эндигина 15 ёшга кирган Қарши шаҳридаги 1-саноат касб-ҳунар коллежи талабаси Зафар Аноров тракторчи қўшниси Абдураҳмон Примовга кўмаклашмоқда. Энди ҳақли савол туғилади: вояга етмаган ўсмир техника хавфсизлиги қоидаларини билмайди. Шундай экан бирор кор-ҳол бўлмаслигига ким кафолат беради?

Хўжалик техника хавфсизлиги муҳандиси Ботирали Эрматовдан юқоридаги нуқсонлар ҳақида сўраганимизда нуқул бир гапни такрорлайди:

— Ака, мен бу ишда ҳали янгиман...

— Техника хавфсизлиги бўйича ҳужжатлар жойидами?-сўраймиз Ботирали Эрматовдан.

—Бор, лекин бу ерда эмас, - мужмал жавоб берди у.

-Ҳужжатлар билан танишиб кўрсак?

—Очиғи ҳали зарур ҳужжатларни тайёрлаб улгурмадим, - рўй-рост гапирди муҳандис.

Техника хавфсизлиги муҳандиси наҳотки, бевосита қилиниши керак бўлган ишларни ҳанузгача бажармаган бўлса? Ҳар куни гараждан ишга чиқиб кетаётган тракторчи техника хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя этаяптими? Шошма-шошарлик билан амалга оширилган ишда албатта чалкашлик бўлади. Кўза кунда эмас, кунида синади. Бу аччиқ ҳақиқатни донолар бежиз айтишмаган. Уйидан, ширин-шакар фарзандлари, оилалари бағридан эрталаб ишга соғ-саломат чиқиб кетиб, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида шикастланаётганлар, ишга яроқсиз бўлиб қолаётганлар йўқ эмас. Бундай боқибеғамликка мутахассислиги бўйича муҳандис бўлиб ишлаб келган хўжалик раҳбари Марқа Алимардонов нима деркин? Техника хавфсизлиги бўйича хўжаликда алоҳида хона у ёқда турсин, ҳатто соҳага оид бирорта кўргазмали қуролни кўрмайсиз. Трактор парки хоналари ниҳоятда ночорлигидан ичига кириб бўлмайди. Қушлар ин қуриб олган хонада бош муҳандис билан ҳисобчи ўтиракан. Бўш турган хоналардан бирортасини техника хавфсизлиги бўйича алоҳида жой ташкил қилиш пайти етмадимикан?

Ўйлаймизки, бу каби масъулиятсизликка Қашқадарё вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидаги мутахассислар, қолаверса Нишон ҳокимлигидагилар ўз мулоҳазаларини билдирадилар.

Шу йилнинг баҳорида тумандаги Усмон Юсупов номли хўжаликда бир неча йил тракторчилик қилган Иброҳим Бўронов ўзига бириктирилган трактордан йиқилиб тушиб, ҳаётдан бевақт кўз юмгани ҳали тумандагиларнинг ёдидан кўтарилмаган бўлса керак. Бундан ташқари, Нишон пахта тозалаш заводида юз берган бахтсиз ҳодисани кўпчилик афсус билан эслайди.

Наҳотки, шундан кейин ҳам кишилар ҳаёти хавф остига қўйилса?

**Шавкат СУЛТОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

